

把 “БЎ” ФЕЪЛИНИНГ АЙРИМ ПОЛИСЕМИК ХУСУСИЯТЛАРИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.14161509>

Артикова Зиёда Зайнитдиновна

Тошкент давлат шарқшунослик университети

мустақил тадқиқотчи

Ziyda1978@gmail.com

Аннотация: 把 “bǎ” хитой тилида ҳар хил сўз туркумига тегишли сўздир, у нафақат феъл, от, ҳисоб сўзи, олд кўмакчи каби сўз туркумлари вазифасида келади, шу билан бирга ҳар бир сўз туркуми ичида кўпмаънога, турли вазифага эга бўлган бирлик ҳисобланади. Хитой тили 把 “bǎ” иероглифининг ҳар бир маъноси унинг асосий негиз бўлган феъл маъноси асосида кенгайган. 把 “bǎ” нинг феъл маънолари орасида ҳам семантик яқинлик бор. 把 “bǎ” феълининг семалари ичидан аввал унинг асосий қўл ҳаракат билан боғлиқ бўлган аниқ маъносидан чиқилади, кейин аста у маънодан йироқлашиб содир бўлади.

Калит сўзлар: 把 “bǎ” феъли, иероглиф, полисемия, морофема, сема, метафора, семантик алоқа, грамматик категория.

THE USE OF THE VERB "Bǎ" IN POLYSEMY

Artikova Ziyoda Zaynitdinovna

Tashkent state university of oriental studies

Ziyda1978@gmail.com

Abstract: 把 “bǎ” is a word belonging to different parts of speech in the Chinese language, which not only acts as parts of speech such as verbs, nouns, counting words, prepositions, but also is a unit with multiple meanings and different functions within each part of speech. Each meaning of the Chinese hieroglyph 把 “bǎ” is expanded based on its main root verb meaning. There is also a semantic closeness between the verb meanings of 把 “bǎ.” Within the semes of the verb 把 “bǎ,” the precise meaning of the verb is first derived, which is related to the main action of the hand, then there is a gradual deviation from the meaning.

Key words: 把 “bǎ” verb, hieroglyph, polysemy, morpheme, seme, metaphor, semantic connection, grammatical category.

КИРИШ

Полифункционаллик ҳар қандай сўзнинг коммуникатив табиатини юзага чиқарувчи омилдир. Полифункционалликнинг тиллараро умумий грамматик хусусиятлари ва ҳар бир миллий тилга хос хусусий грамматик жиҳатлари фарқланади. 把“bǎ” иероглифи полифункционаллигини кўрсатиб берувчи яна бир омиллардан бири полисемия ҳодисаси мавжудлигидир. Полисемия, яъни кўп маънолилик реал ҳодиса ҳисобланади. Бирдан ортиқ лексик маънога эга сўзлар полисемантик сўз деб қаралиб, улар тилнинг салмоқли қатламини ташкил этади.¹ Маълумки, тилда мавжуд бўлган сўзлар, биринчи навбатда, асл (бош) маъносида қўлланади. Эҳтиёж туғилиши билан сўзларнинг лексик-семантик маъносини функционал кўчириш усулидан ҳам фойдаланишга ўтилади, натижада юқорида таъкидланганидек, сўзларнинг функционал-семантик маъноси (маънолари) пайдо бўлади. Сўз маъносининг кўчиши натижасида пайдо бўлган функционал семантик маъно, биринчидан, денотатив, иккинчидан коннотатив маънога ўтиб, нутқ жараёнида қўлланилади.²

Полисемиянинг семантик категорияси лексик бирликнинг маъновий структурасининг ўзгариши ва ривожланиши туфайли ҳосил бўлади. Сўзнинг кўпмаънолиги бу унинг маъносининг эволюцияси натижасида келиб чиқади. Негиз маъно асосида вақтлар ўтиб тилда сўзнинг янги маънолари ҳосил бўлади. Хитой тилида полисемия асосан бир бўғинли сўзларда учрайди, аммо ҳозирда кўп бўғинли сўзларда ҳам бир қанча бундай бирликларни учратиш мумкин. Масалан:

算账[suàn zhàng] ҳисобламоқ, ҳисоб китоб олиб бормоқ
ҳисоблашмоқ (бирон шахс билан бирон иш юзасидан)

海[hǎi] — денгиз
кўл
денгиз орти, денгиз орти давлатлари
бир дунё, жуда кўп

现代汉语词典 [Xiàndài hànyǔ cídiǎn] Замонавий хитой тили луғатининг охирги еттинчи нашрида 把“bǎ” нинг маънолари орасида “қўлда ушламоқ” ва “бирлаштириб қўйиб юбормаслик” каби бир қанча маънолари полисемик қаторни ташкил қилади. Бу луғат 把“bǎ” нинг кўпгина маъноларини ўз ичига қамраб олади. Жамият тараққиёти ва ўзгаришлари туфайли кўпгина категория ва тушунчалар пайдо бўла бошлади, одамлар ҳар бир тушунчани алоҳида

¹ Сулаймонова Г.А. Ўзбек тилида от туркумидаги сўзларнинг полифункционаллиги. . Фил. фан. ном. дисс. — Тошкент, 2012. Б. 34.

² Сулаймонова Г.А. Ўзбек тилида от туркумидаги сўзларнинг полифункционаллиги. Фил. фан. ном. дисс. — Тошкент, 2012. Б. 35.

махсус тил бирлиги орқали кўрсата олмасдилар. Бундай ҳолатда битта тил бирлиги ўзида бир нечта тушунчани ифодалаш вазифасини олиши керак бўлади. Нарса ва ҳодисаларнинг грамматик категорияга оидлашиши, схемалаштирилиши жараёни тартибсиз ҳолатда рўй бермаган, барчаси қонуният ва қоидалар асосида рўй берган.³ Сўз маъносининг кенгайиши жараёни ҳам одамларнинг когнитив қабул қилиши, мантиқ, қонун-қоида асосида бўлган. Шу асосида сўзнинг ўзаро боғланган полисемик парадигмаси ҳосил бўлган. Хитой тили 把 “bǎ” иероглифининг ҳар бир маъноси унинг асосий негиз маъноси асосида кенгайган. Унинг маънолари ўртасида ўзаро боғлиқлик бор, ҳар бири тизимлашган. Тилнинг тараққиёти натижасида 把 “bǎ” нинг янги маънолари ҳосил бўлиши ва бу тизимни ичига киритилиши эҳтимоли ҳам йўқ эмас.

Методлар. Мазкур ишда биз тизим ва ҳодисаларнинг ички тузилишини ва қонунларининг рўёбга ошиш қоидаларини очиб берадиган, уларнинг ўзаро таъсирини ва боғланишларини тушунтириб берадиган назариядан фойдаландик. Тадқиқ этиш жараёнида эмпирик усуллардан, таърифлаш, тасвирловчи, таҳлил методларига ҳам мурожаат этдик.

Натижалар. Хитойнинг қадимги “说文解字” [Shuōwén jiězì] луғатида (бу луғатда асосан иероглифларнинг маъносига изоҳ берилган), 把 “bǎ” нинг дастлабки “握也” [wò yě] қўлда ушламоқ маъноси берилган⁴, бу 把 “bǎ” нинг феъл туркумига тегишли маъноси. Замонавий хитой тили луғатида 把 “bǎ” нинг биринчи қатордаги феълли изоҳи “用手握住” [yòng shǒu wòzhù] қўл билан маҳкам ушламоқ⁵ деб берилган, 把 “bǎ” от сифатидаги қаторда нарсанинг ушлаб оладиган тутқич қисми маъносига эга. Семантикаси ва функцияси жиҳатидан 把 “bǎ” ҳисоб сўзи сифатида донабай, жамловчи ва ҳаракат ҳисоб сўзи маънолари бор. 把 “bǎ” нинг яна кўмакчи ва олд кўмакчи маънолари берилган. Улар ҳам турли хил вазифаларни бажариб келади.

Турли луғатларда берилган маъноларни жамлаб 把 “bǎ” феълида еттита лексик маъно борлиги аниқланди.

1) 用手握住 [yòng shǒu wòzhù] қўл билан ушламоқ, қўлга олмоқ, қўлда кўтармоқ

2) 让孩子大小便 [ràng hái'zǐ dàxiǎobiàn] боланинг орқа томондан туриб икки оёғини ушлаб уни тўсмоқ (болани).

³ 赵艳芳. 认知语言学概论. // 上海外语教育出版社. - 上海, 2001. 页. 130.

⁴ 说文解字. - 页. 701.

⁵ 现代汉语词典. 第七版. - 北京, 2016. - 页. 19.

3) 把持, 把攬 [bǎchí, bǎlǎn] қўлга киритмоқ, ўз қўлида ушламоқ (вазиятни, ҳукмронликни).

4) 看守[kànshǒu] қўриқламоқ, ҳимоя қилмоқ (дарвозани, ҳудудни, бинони).

5) 紧靠 [jǐnkào] ёпишиб суянмоқ, туташмоқ, туташган (оғзакида ишлатилади).

6) 约束使不裂开 [yuēshù shǐ bù lièkāi] бириктириб қўймоқ (маҳкамламоқ).

7) 给 [gěi] бермоқ (шевада ишлатилади).

Полисемантик сўзларнинг маънолари орасида яқин семантик алоқа бўлади. 把 “bǎ” нинг феъл маъносидаги қўл билан ушламоқ, қўлга олмоқ, қўлда қўтармоқ, боланинг орқа томондан туриб икки оёғини ушлаб уни тўсмоқ (болани), қўлга киритмоқ, ўз қўлида ушламоқ (вазиятни, ҳукмронликни), қўриқламоқ, ҳимоя қилмоқ (дарвозани, ҳудудни, бинони), туташмоқ, туташган (оғзакида ишлатилади), бириктириб қўймоқ (маҳкамламоқ), бермоқ (шевада ишлатилади) каби маънолари орасида семантик яқинлик бор.

Хитой тили луғатларида 把 “bǎ, bà” нинг лексик маънолари унчалик кўп эмас, ҳамда бироз аниқлик берилмаган. Аммо унинг морфема сифатида тузилган сўз маънолари билан танишадиган бўлсак 把 “bǎ ва bà” нинг кенг қамровли маъносини билиб олишимиз мумкин. Бизнинг мақсадимиз эса учинчи оҳангдаги 把 “bǎ феълени сўз элементи сифатида фақат семалари маъноларини атрофлича таҳлил қилишдан иборат. Бунга намуна қилиб 把 “bǎ” нинг маънолари кенгайиши жадвалини келтирамыз.

把 “bǎ” феъли: 用手握住 [yòng shǒu wòzhù] қўл билан маҳкам ушламоқ, қўлига олмоқ	按 [àn] босмоқ	约束使不裂开 [yuēshù shǐ bù lièkāi] маҳкам бирлаштириб қўйиб юбормаслик	看守 [kànshǒu] қўриқламоқ, қўл остида ушламоқ	管理[guǎnlǐ] бошқармоқ
	端 [duān] келтирмоқ			控制 [kòngzhì] ушлаб турмоқ (ўз қўлида, қўл остида)
	拿 [ná] олмоқ			抓住 [zhuāzhù] чангаллаб ушлаб олмоқ, маҳкам ёпишмоқ
	托[tuō] топширмоқ			

Мунозара. 把 “bǎ” дастлаб қўл билан маҳкам ушламоқ, қўлга олмоқ маъносига эга бўлган, бу ҳаракатланиш доменига эга феъл категорияси тегишли

сўздир. Масалан: 把船 [bǎ chuán] қайиқни бошқармоқ, 把方向盘 [bǎ fāngxiàng pán] рулни бошқармоқ, 把着冲锋枪 [bǎ zhe chōngfēngqiāng] автоматни маҳкам ушлаб” каби. 把 “bǎ” нинг асос маъноси қўл билан боғлиқ ҳаракатни англатади, шу маъно асосида 把 “bǎ” морфемасида босмоқ маъноси англашилади. Масалан: 把脉 [bǎ mài] пулсни босмоқ. Бу мисолда дастлабки 握 [wò] қўлда ушламоқ маъноси билан бироз фарқ бўлса ҳам, аммо ҳаракат қўл билан боғлиқлиги ифодаланади. Худди шундай яна бошқа маънолар ҳам англашилади: 端 кўтариб келтирмоқ, 拿着 [ná zhe] олмоқ. Масалан: 把酒临风 [bǎ jiǔ lín fēng] винони кўтариб шабадага яқин олиб келмоқ, 把玩古物 [bǎ wán gǔwù] қадимги ноёб нарсадан завқланмоқ (қўлига олиб қайта қайта кўриб маҳлиё бўлмоқ). Шундан 把 “bǎ” нинг ҳаракати йўналтирилган аниқ предмет қўл билан тегиш характерига эга бўлиши керак бўлади.

骆瑾瑜的眼睛一亮，伸出两手小心地接过傅烨磊递过来的玉卧马，仔细地
看着，反复把玩，表情十分专注，显然，他在这方面是有一定研究的，只见他
脸上的神情越来越高兴，把玉卧马小心地递还给傅烨磊，连声夸赞道：“不错，
不错”。⁶ [Luò Jǐnyú de yǎnjīng yī liàng, shēnchū liǎng shǒu xiǎoxīn dì jiēguò
fùyèlěi dì guòlái de yùwò mǎ, zǎixì dì kàn zhe, fǎnfù bǎwán, biǎoqíng shífēn
zhuānzhù, xiǎnrán, tā zài zhè fāngmiàn shì yǒu yīdìng yánjiū de, zhǐ jiàn tā liǎn shàng
de shénqíng yuèláiyuè gāoxīng, bǎ yùwòmǎ xiǎoxīn dì dihuángěi Fù Yèlěi, lián shēng
kuāzàn dào: “bùcuò, bùcuò”.] Луо Жинюэ нинг кўзлари чақнаб кетди, икки қўлини
узатиб аста секинлик билан Фу Йелей узатган ётган от шаклидаги нефрит
тошни олиб синчковлик билан қараб чиқди, қўлига олиб қайта қайта кўрди,
унинг нефрит тошни диққат билан томоша қилишидан бу нарсани жуда ҳам
яхши тушуниши кўриниб турарди, унинг юз ифодасида хурсандчилик аломати
бор эди, ётган от шаклидаги нефрит тошни аста Фу Йелей га қайтариб бера
туриб мақтади: “жуда ҳам яхши, жуда ҳам яхши”.

Кейинги семасида ишлатиладиган маъносини олсак, 让孩子大小便 [ràng
háizi dàxiǎobiàn] болани орқасидан икки оёғини олиб ушлаб, унга пешоб
чиқаришга ёрдам бериш, яъни тўсиш маъносида келади. Бу сема маъносида қўл
билан ушлаб, олиб ёки қўлида келтириб тўғридан тўғри пешоб чиқарилмайди,
балки боланинг икки оёғини ушлаб, унга пешоб чиқаришга ёрдамлашилади.
Бизнинг тушунишларимиз кўпинча предметнинг кўриниши, унинг энг кўзга
кўринган, эслаб қолиш осон бўлган қисмига қаратилади. Агар маъно
метонимия кўринишида ифодаланса, бир доменнинг ичида, 把 “bǎ” нинг

⁶ 刘德明. 绯闻. - 金城出版社, 2013. - 页. 206.

“натижани” ифодаловчи маъноси кўзга ташланади, яъни боланинг оёғини ушлаб туриб натижада унга пешоб чиқаришга имноният берилди.

饭后散步一小时，洗漱完毕讲了四个故事倒头就睡，半夜一点起来把尿。
[Fàn hòu sànbù yī xiǎoshí, xǐshù wánbì jiǎng liǎo sì gè gùshì dǎotóu jiù shuì, bànyè yīdiǎn qīlái bǎ niào.] Овқатдан кейин бир соат сайр қилиб юргандан сўнг, ювинтириб, тўртта эртакни айтиб бўлгандан кейин уйқуга кетди, ярим кечаси соат 1:00 да тўсгани турди.

Одамлар ишлаб чиқаришда, турмушларида сим каби воситадан нарсаларни маҳкамлаб боғлам ҳолатига келтириш учун фойдаланадилар. Бундай ҳолатни тилда ифодалаш учун одамлар табиий равишда онгларида “把 “bǎ” даги қўл билан маҳкам ушлаш ҳаракатини ўйлайдилар. Бу келтирилган ҳолатдан кейин 用铁丝子把住裂缝 [Yòng tiěsīzi bǎzhù lièféng] темир сим ёрдамида тешикни маҳкамлаб қўймоқ каби жумла кўп ишлатила бошланди, шундан “把 “bǎ” нинг “маҳкам бирлаштириб қўйиб юбормаслик” маъноси келиб чиққан.

代霞见我开门见山地问，转过身把住室门轻轻地关上了，看样子很神秘。
[Dàixiá jiàn wǒ kāimén jiànshān de wèn, zhuǎnguò shēn bǎ zhù shì mén qīngqīng de guānshàng le, kàn yàngzi hěn shénmì.] ⁷ Мен Дайсядан тўғридан тўғри сўраганимни эшитиб, Дайся ўғирилиб хона эшигини ушлаб секин ётиб қўйди, кўринишидан сирли ишга ўхшарди.

Тилда кўпинча яхши маълум бўлган, шакли бор, аниқ маъно англатадиган воситалар орқали шаклсиз, мавҳум қарашлар кўчими ифодаланади. Бунда метафоранинг роли катта, яъни мавҳум предметнинг муҳим бир қиррасини ифодалаш имкони бўлади. Агар “把 “bǎ” нинг асосий феълли маъносини олсак, унинг семалари орасида мавҳум ҳаракатни ифодалаш мазмунидаги бир нечта мавҳум маънолари бор. “把 “bǎ” феъли семалари ичидаги 看守 [kànshǒu] қоровулламоқ, ҳимоя қилмоқ, ўз қўлида ушламоқ маъноси одамнинг ўзининг ҳатти-ҳаракатига тегишли сўз бўлиб, қўл ҳаракататидан бироз узоқроқ. Аммо қоровуллаш, ҳимоя қилиш жараёни аввало қўлда қурол-аслаҳа билан ёки қўл билан зарбни қайтариш ҳаракати орқали амалга оширилиши, 把 “bǎ” феълининг бу ҳолатда ишлатилишига сабабчи бўлган.

当我爹在牛栏里为你清理粪便时，那些老人，就像忠诚的老兵一样，把守着牛栏门口。 [Dāng wǒ diē zài niúlán lǐ wéi nǐ qīnglǐ fēnbiàn shí, nàxiē lǎorén, jiù xiàng zhōngchéng de lǎobīng yīyàng, bǎ shǒu zhe niúlán mén kǒu.] ⁸ Ўшанда менинг

⁷ 汪宗军. 梦开始的地方. – 长江文艺出版社, 2012. - 页. 107.

⁸ 莫言. 生死疲劳. // 作家出版社 - 北京, 2006. - 页. 95.

отам оғилхона ичини менинг ўрнимга тозалаётганида, у қариялар худди содиқ аскарлардек эшик тагида қоровуллаб туришар эди.

真正有重大事情，还有一把手在把关。 [Zhēnzhèng yǒu zhòngdà shìqíng, hái yǒu yī bǎ shǒu zài bǎguān.] ⁹ Агарда муҳим ишлар пайдо бўлса, катта амалдорнинг ўзи бошқаради (ҳал қилади).

Бу гапларда 把守 [bǎ shǒu] нинг объекти 门口 [mén kǒu] эшик олди сўзи ва иккинчи гапдаги 把关 [bǎguān] нинг объекти 事情 [shìqíng] ишлар сўзи бўлиб, буларни ҳимоя қилиб қараб туришда, бошқариш ҳаракатида барибир қўлнинг иштирокисиз амалга ошириб бўлмасди. Бу вазиятда 把 “bǎ” нинг маъносини кенгайтириши сабабли, унинг 把持 [bǎchí] қўлга олмоқ, қўлда ушлаб турмоқ (ҳокимиятни), 管理 [guǎnlǐ] бошқармоқ маънолари ҳам қўшилди. 把 “bǎ” феъли билан ишлатиладиган тўлдирувчи вазифасидаги сўзлар қўлами кенгайди, мол-мулкка, ўрин жойга, ҳокимият идораларига тегишли сўзлар билан қўлланила бошлади. Масалан:

这是文学界之后期的罗马帝国,它的事务都由近卫军来把持。 [Zhè shì wénxué jiè zhī hòuqī de luómǎ dìguó, tā de shìwù dōu yóu jìnwèijūn lái bǎchí.] ¹⁰ Бу адабиёт олами кечки даврининг Рим империяси давлати, унинг ишлари гвардия қўшини томонидан бошқарилар эди.

他说：“有制度在那里把着，比管理者在那里督着要好得多。 [Tā shuō: “yǒu zhìdù zài nàlǐ bǎzhe, bǐ guǎnlǐ zhě zài nàlǐ dūzhe yào hǎo dé duō.] Назоратчилар бошқарувидан кўра бошқарув тизимининг борлиги яхшироқдир, - деб айтди у.

Биринчи гапда 事务 [shìwù] давлат ишлари ва иккинчи гапдаги 制度 [zhìdù] бошқарув тизими сўзлари гапда тўлдирувчи вазифасида келиб, ўрин жой, ҳокимият идораларига тегишли сўз ҳисобланади. Иккинчи гапда 把着 [bǎ zhe] сўзида 把 [bǎ] билан бирга феълларнинг вақт ҳолатини кўрсатувчи иероглиф-суффикс 着 [zhe] турибди.

Агар предметнинг асосий хусусиятига урғу берилса унда метафора йўли орқали ифодаланган 把 “bǎ” нинг 抓住 [zhuāzhù] ушлаб олмоқ, маҳкам тутиб қолмоқ, қўлга киритмоқ каби маъносини келтиришимиз мумкин. Масалан:

把住事物的本质 [Bǎ zhù shìwù de běnzhì.] Нарсанинг ўзига хослигини англаб олмоқ (эслаб қолмоқ, мияда, хотирада ушлаб қолмоқ)

⁹ 刘德明. 绯闻. - 金城出版社, 2013. - 页. 38.

¹⁰ 拜伦. 唐璜. - 唐璜(148) 拜伦 梦远书城 (guxuo.com)

把握文件的精神实质 [Bǎwò wénjiàn de jīngshén shízhì.] *Ҳужжатнинг асл моҳиятини англаб олмоқ. (қўлга киритмоқ) каби.*

当然，我们村的情况你也不是很了解，其实，创业机会还是有的，就看你如何把握。[Dāngrán, wǒmen cūn de qíngkuàng nǐ yě bù shì hěn liǎojiě, qíshí, chuàngyè jīhuì háishì yǒude, jiù kàn nǐ rúhé bǎwò.] ¹¹*Албатта, қишлоғимизнинг аҳволи билан сиз яхши таниш эмассиз, аслида иш бошлаш имконияти бор, фақатгина уни қандай бошқариш, олиб боришни билиш керак.*

Бу ерда 把 “bǎ” нинг қўлда маҳкам ушлаб қўйиб юбормаслик, ушлаб туриш маъносидан бирон нарсани хотирада ҳам маҳкам ушлаб қолиш, унутмаслик ёки нарса моҳиятини ҳам қўлга киритиб яхшилаб англаб етиш маъноси англашилади.

把 “bǎ” феълининг семалари ичидан аввал унинг асосий қўл ҳаракат билан боғлиқ бўлган аниқ маъносидан чиқилади, кейин аста у маънодан йироқлашиш содир бўлади, охирида дастлабки маънода қайтилган бўлса ҳам, лекин бу ҳолатда унинг аниқ ҳаракат билан боғлиқ маъноси ифодаланмайди, яъни 把住 [bǎ bù zhù] *ушлаб туриш* маъноси мавҳумлашади, одамнинг мавҳум ички дунёсига ишора қилади, Масалан:

把不住内心的激怒 [Bǎ bù zhù nèixīn de jīnù] *Ички ғазабни ушлаб туrolмаслик.*

进了汽车的时候，这才回味到刘玉英刚才那笑，那脸红，那眼波，那一切的诱惑性，他**把不住**心头一跳。[Jìn le qìchē de shíhòu, zhè cái huíwèi dào Liú Yùyīng gāngcái nà xiào, nà liǎn hóngm nà yǎn bō, nà yīqiè de yòuhuò xìng, tā bǎ bù zhù xīntóu yī tiào.] ¹²*Машинага ўтираётгандагини у Люй Юййининг ўша табассуми, лоладек қизил юзлари, пирпираган кўзларию, барча ўзига ром этувчи ҳиссиётларни ўйлаб, юраги ҳапқириб кетди. (юрагини сакраб уриб кетиши, ҳапқиритишни ушлаб тура олмади маъносида).*

Хулоса. Полифункционаллик сўзларнинг лексик-семантик, морфологик, синтактик ва услубий вазифаларни бажаришида юзага чиқадиган ҳодисадир. Хитой тили грамматикасини яхши тушуниб олиш учун ундаги сўзлар полифункционаллигини ўрганиш ниҳоятда муҳим ҳисобланади. Бунда албатта, тилнинг ички структураси, Хан миллатининг тафаккур қилиш усуллари ва тил муҳити муҳим рол ўйнайди.

¹¹ 汪宗军. 梦开始的地方. – 长江文艺出版社, 2012. - 页. 12.

¹² 子夜. 第十二章. - [子夜（第十二章）\(ecnu.edu.cn\)](http://ecnu.edu.cn)

Хитой тили 把 “bǎ” иероглифининг ҳар бир маъноси унинг асосий негиз маъноси асосида кенгайган. Унинг маънолари ўртасида ўзаро боғлиқлик бор, ҳар бири тизимлашган.

Хитой тили 把 “ba” иероглифи полисемантик сўз ҳисобланиб, сўз маъносининг кўчиши натижасида пайдо бўлган функционал семантик маъноси, биринчидан, детонатив, иккинчидан коннотатив маънога ўтиб нутқ жараёнида қўлланиб келмоқда.

把 “ba” иероглифининг ҳар бир маъноси унинг асосий негиз маъноси асосида кенгайган. Унинг маънолари ўртасида ўзаро боғлиқлик бор ва ҳар бири тизимлашгандир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Азим Ҳожиёв “Тилшунослик терминларинг изоҳли луғати, Тошкент, Давлат илмий нашриёти, 2002.
2. Артикова З.З. Хитой тили (HSK5 грамматикаси ва ёзув машқлари) – Тошкент: ТДШУ, 2022 - 155б.
3. Горелов В.И. Лексикология китайского языка. – Москва: Просвещение, 1984.– 98с.
4. Каримов А.А. Хитой тилидаги ҳисоб сўзлар. (Лексик семантик, структурал ва функционал таҳлили). Филол. фан. ном. дисс... – Тошкент, 1995. – 106-142б.
5. Сулаймонова Г.А. Ўзбек тилида от туркумидаги сўзларнинг полифункционаллиги: Филол. фан. ном... дисс. – Тошкент, 2012. – 12-37б.
6. Турсунов У., Мухторов А., Раҳматуллаева Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент: Ўзбекистон нашриёти, 1992. - Б. 50.
7. Хаматова А.А. Омонимия в современном китайском языке. Москва: Восток-Запад, 2006. – 86-104с.
8. 王力. 中国现代汉语. – 北京: 商务印书馆, 1985. – 11, 82 页.
9. 刘月华, 潘文娉, 故録. 使用现代汉语语法. – 北京: 商务印书馆, 2004. - 4, 354 页.
10. 陆剑明. 现代汉语语法答问 (下) – 126 页.
11. 黄伯荣. 现代汉语. (上册) – 北京: 高等教育出版社, 2007. - 1-9, 255 页.